

**Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М**

2025 йил ноябрь ойининг 17 куни, жиноят ишлари бўйича Избоскан туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Назирбеков, судья ёрдамчиси А.Боқиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Избоскан туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Азизов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Жалақудуқ тумани “SHAMURATOV AVAZBEK” адвокатлик бюроси адвокати А.Шамуратов, фуқаровий даъвогар [REDACTED] ларнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан юритилган №1-1708-2501/183-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] -
[REDACTED] -
1981 йил 05 октябрь куни Избоскан туманида туғилган, миллати ўзбек, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, партия аъзоси эмас, Избоскан тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ёрдамчи ҳисобчиси лавозимида ишлайди, [REDACTED] да яшайди, иш бўйича 2025 йил 23 июль куни “Муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисида тилахт” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 04 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED], Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаба таълим вазирлигининг 2023 йилнинг 20 декабрдаги 565-сон буғруғининг 36-иловаси билан тасдиқланган лавозим йўриқномасига кўра давлат бюджет маблағларини мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш, маблағларни мақсадсиз сарфланишини назорат қилиш, молиявий хато ва камчиликларни келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва бюджет интизомига



риоя қилиш, молиявий хато ва камчиликларни олдини олиш мақсадида ходимлар билан ҳисоб-китоблар, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ва мақсадли амалга оширишни таъминлаш, каби талабларни бажармасдан, ажратилаётган маблағларни мақсадли талабларига риоя қилмасдан талабларига риоя қилмасдан, ўзи молиявий назорат олиб бориши лозим бўлган 43-сонли, 22-сонли, 29-сонли, 26-сонли ва 5-сонли, 31-сонли, 36-сонли ҳамда 37-сонли мактабларнинг мансабдор шахслари, Избоскан туман Мактабгача ва мактаб таълим мансабдор шахслари ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги 823-сонли қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 33-бандидаги умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам календарь йил давомида икки лавозим маоши (ўқитувчининг тариф ставкаси) миқдоригача ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, оғир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда кўрсатилиши каби талабларига зид равишда жами 109.714.700 сўм миқдордаги бюджет маблағларини ҳужжатларни сохталаштириш, яъни қариндошлик даражаларини ҳужжатларда ўзгартириш, юқоридаги Низом талабларига мослаштириш, қонуний тус бериш йўли билан ҳамда сохта ҳужжатдан фойдаланиш орқали жуда кўп миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ўз айбига умуман иқроп бўлмасдан, у Избоскан тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ёрдамчи ҳисобчиси лавозимида ишлаб келишини, уни хизмат вазифаларига ўзига бириктирилган 43-сонли, 22-сонли, 29-сонли, 26-сонли ва 5-сонли, 31-сонли, 36-сонли ҳамда 37-сонли мактабларда молиявий назорат олиб бориш, иш тақсимоtлари юзасидан қабул қилинган буйруқда кўрсатилган вазифаларни бажариш, лавозим йўриқномасига риоя қилиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаш кабилар киришини, унга 01.02.2023 йилдаги ХТБ марказлашган ҳисобхонасида ўтказилган йиғилиш баёнига асосан 22, 26, 29, 43-умумтаълим мактаблари ва 04.01.2025 йилдан 5,31,36,37-мактаблар бириктирилгани, ҳақиқатдан ҳам Избоскан туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда, Избоскан туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги 5-31-36-37-сонли умумтаълим мактабларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 823-сонли ҳамда Ўзбекистон



Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 823-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 831-сонли қарори қарорларига риоя этилган ҳолда ходимларга директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2023-2024 ва 2024-2025 ўқув йиллари давомида устама пуллари белгиланиши ҳамда 2023-2024 йилларда моддий ёрдам пулларини тўғри белгиланганлиги юзасидан туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ва унинг тасарруфидаги мактаблар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида текшириш ишлари ўтказилгани, унга бириктирилган 43-сонли, 22-сонли, 29-сонли, 26-сонли ва 5-сонли, 31-сонли, 36-сонли ҳамда 37-сонли мактабларда ўтказилган текширишда мактаблар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 823-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 823-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 831-сонли қарори талабларига риоя этилмаган ҳолда жами 27 нафар педагог ходимларга 89.085,3 минг сўм ортиқча устама пули ҳисобланиб, мажбурий ушламалар ушлаб қолинган ҳолда 78.322,5 минг сўм устама пули ортиқча тўланганлиги аниқлангани, булардан ташқари, мактаблар томонидан ишчи ходимларга моддий ёрдам пулларини берилиши текширилганда жами 109.714.700 сўмлик бюджет маблағлари нотўғри тўланганлиги аниқлангани, бироқ, устамалар учун мактабнинг 7 кишидан иборат ишчи гуруҳи борлиги, улар ўзлари ҳужжат қилишлари, бу таълим бўлимида уларнинг қарорларига аралаштиришга ҳаққи йўқлигини, бу ҳолат Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги 823-сонли қарори 1-иловаси билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандида кўрсатиб қўйилгани, у ўз навбатида мактабларнинг буйруқларини муҳокама қила олмаслигини ва уларни ишига аралаштиришга ҳаққи йўқлиги, у ўз навбатида иш ҳажми кўплиги сабабли ҳар бир мактаб буйруқларини муҳокама қилишга вақти ҳам бўлмаслиги ва уларни муҳокама қилишга вақти йўқлиги, юқоридаги низомнинг 16 бандида 4 хат бошисига асосан умумтаълим муассаси педагог, психолог, кутубхона ходимларининг базавий тариф ситафкасига ҳар ойлик устама белгилаш ва ходимларни мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатишнинг тўғри, холис ва адолатли амалга оширилиши учун жавобгарлик ишчи гуруҳнинг раҳбари директор



зиммасига юклатилгани, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан аризаларни қабул қилишда ҳақиқатдан ота-онаси эканлигини аниқлаш уларни зиммасида экани, ўзига нисбатан адолатли қарор чиқриб беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд мажлисида, Избоскан туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда, Избоскан туман Мактабгача ва мактаб таълим бўлими ёрдамчи ҳисобчиси [REDACTED], Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаба таълим вазирлигининг 2023 йилнинг 20 декабрдаги 565-сон буғруғининг 36-иловаси билан тасдиқланган лавозим йўриқномасига кўра давлат бюджет маблағларини мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш, маблағларни мақсадсиз сарфланишини назорат қилиш, молиявий хато ва камчиликларни келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва бюджет интизомига риоя қилиш, молиявий хато ва камчиликларни олдини олиш мақсадида ходимлар билан ҳисобкитоблар, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ва мақсадли амалга оширишни таъминлаш, каби талабларни бажармасдан, ажратилаётган маблағларни мақсадли талабларига риоя қилмасдан талабларига риоя қилмасдан, ўзи молиявий назорат олиб бориши лозим бўлган 43-сонли, 22-сонли, 29-сонли, 26-сонли ва 5-сонли, 31-сонли, 36-сонли ҳамда 37-сонли мактабларнинг мансабдор шахслари, Избоскан туман Мактабгача ва мактаб таълим мансабдор шахслари ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги 823-сонли қарори 1-иловаси билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 33-бандидаги умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам календарь йил давомида икки лавозим маоши (ўқитувчининг тариф ставкаси) миқдоригача ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, оғир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда кўрсатилиши каби талабларига зид равишда жами 232.099.994 сўм миқдордаги бюджет маблағларини ҳужжатларни сохталаштириш, яъни қариндошлик даражаларини ҳужжатларда ўзгартириш, юқоридаги Низом талабларига мослаштириш, қонуний тус бериш йўли билан ҳамда сохта ҳужжатдан фойдаланиш орқали жуда кўп миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлиги, ҳозирда етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ А.Парпиев суд мажлисида, у 2022 йилнинг апрель ойидан буён Избоскан тумани Мактабгача ва мактаб таълим бўлимида бош



ҳисобчи лавозимида ишлаб келишини, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2023 йил 20 декабрдаги 565-сонли буйруғига асосан 36-иловага кўра хизмат вазифаларига ва хизмат мажбуриятларига қонуний фаолият олиб бориш, ММТБ бўйича молиявий масалаларга масъул ҳисобланишини, бугалтерия хизмати ходимлари яъни мактаб ҳисобчилари, иқтисодчилар томонидан лавозим мажбуриятларига риоя қилиш учун, улар ўртасида тақсимланган вазифаларни назорат қилиш, молиявий иқтисодий масалаларга доир бўлимда ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бўлим ҳаражатлари сметасини ва штатлар жадвалини ўз вақтида тузилиши ҳамда рўйхат ўтказиш, молиявий хато камчиликларни олдини олиш, ходимларга амалга оширилаётган тўловларни тўғри тўлаб борилаётганлигини доимий равишда таҳлил қилишни назорат қилиш киришини, туман ММТБ тизимида 4 та иқтисодчи ва 24 нафар мактаб ва боғчаларга бўлинган иш тақсимооти белгиланган бугалтерлар борлиги, улар унга бўйсуниларини, ҳар ойда камида икки марта (аванс, рачот, моддий ёрдам, таътил ва бошқаларда молиявий ишлар ва б..) улар билан доимий учрашишини, иш юзасидан улар ундан сўраб ҳужжатларни тузишлари, улар томонидан тайёрланган ҳужжатларни тасдиқлашини, туман бўйича ДМТТ ва умумтаълим мактабларига оид ҳар қандай тўловлар яъни молиявий ишлар у орқали ўтишини, сабаби у моддий жавобгар шахслиги, тасдиқлаш доимо айни бир вақтда бўлим бошлиғи ва унда бор бўлганлиги учун ҳар бир ҳужжат ва дастурий таъминотда улар томонидан тасдиқланиши, ҳисобчилар 2023-2024 йилларда бириктирилган мактабларда ҳужжатларни яъни устама ва моддий ёрдам пулларига оид маълумотларни кўриб, текшириб тўғри деб билса унга свод таҳлил яъни 5-проводка яъни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича унга сўров юборишини, сўровларни ўзига тегишли УЗАСБОга юборишини, у мактаббай келган сўровларни кўриб, бўлим бошлиғи ўзига тегишли Э-КЛЮЧни унинг иш ҳажми кўплиги сабабли унга ихтиёрий берганлиги учун ўзига тегишли Электрон клуч орқали тасдиқлашини, ҳар қандай молиявий операцияларни у ва раҳбар тасдиқлаганларидан кейин ижрога қаратилишини, яъни ҳар бир шартномаларга тўлов, ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов, устама, моддий ёрдам пули тўлаб берилишини, Избоскан туман прокуратурасининг топшириқ хати ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат молиявий назорати инспекцияси Андижон вилояти бошқармасининг буйруғига асосан бошқарманинг бўлим бошлиғи Б.Исматиллаев томонидан Избоскан туман мактабларида устама ва моддий ёрдам пулларига оид маблағларнинг сарфланиши юзасидан текшириш ишлари ўтказилгани, хато ва камчиликлар билан бўлим бошлиғи иштироқида танишгани, у туман прокуратурасида вазирликнинг аудит хизмати томонидан ўтказилган текшириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 823-сонли Низомининг 21-бандида “педагог ходимларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари асосида тўплаган умумий баллари бўйича 65 — 70 балл тўпласа — 10 фоиз, 71 — 75-баллга 15 фоиз миқдорларда устама ҳақ белгиланиши кўрсатилган бўлсада, мактабларда устама пуллари мактабгача ва мактаб таълим бўлимининг мансабдор шахслари ва бошқалар томонидан ноқонуний тўлаб юборилганлиги, Низомнинг 33-бандида ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, оғир касалликка чалинганда моддий ёрдам пуллари берилишидан хабардорлиги, текширишда қонунга зид равишда устама ва моддий ёрдам пуллари тўлаб юборилган ҳолатлар аниқлангани, адлия бўлиmidан ижобий юридик хулоса бўлиши шартлиги, шунда мактаб ҳисобчилари ҳужжатларни кўриб иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни унга юборишини, у ва бўлим бошлиғи тасдиқласа кейин ижрога қаратилиши, яъни тўлов амалга оширилиши, мактаб ҳисобчилари тайёрлаган ҳужжатларни ўзи ва бўлим бошлиғи тасдиқласа ходимларга ва мактабларга пул тўлаб берилишини, бошқа тартибда тўлаб беришни алтернатив варианты йўқлиги, у ўзига тегишли “ДОСТУП ПАПА ПАРОЛ” борлиги, у мактаб ҳисобчилари барча ҳисоб ишларига кириши, фойдаланиши мумкин эмаслиги, ойлик иш ҳақи сўровномаларни ўзига тегишли марказий ҳисобхонага юбориб фойдаланиш ҳолатлари бўлмагани, адлия бўлими ёки бўлим ҳисобчилари устама ва моддий ёрдам пули учун буйруқ чиқарилишида улар бирор-бир кўринишда, бирор бир ходими томонидан ноқонуний таъсир ўтказилмагани, бироқ, улар томонидан ҳужжатлар тасдиқланиб ижобий хулосалар берилганлиги сабабли бюджет маблағлари тўлаб юборилгани, адлия бўлиmidан тасдиқланган хулосанинг ижросини бажаришларини талаб қилиб, ҳамкасбларига чора ҳам кўргани, адлия ва юридик марказ ходимлари мактабларда ҳуқуқий тарғибот қилиб, устама ва моддий ёрдам пулларанинг қонуний тўланиши ва бошқалар юзасидан тарғибот қилганликларини кўрмагани, Избоскан туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда 5-31-36-37-сонли умумтаълим мактабларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 823-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 823-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 831-сонли қарори қарорларига риюя этилган холда ходимларга директор



жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2023-2024 ва 2024-2025 ўқув йиллари давомида устама пуллари белгиланиши ҳамда 2023-2024 йилларда моддий ёрдам пулларини тўғри белгиланганлиги юзасидан туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ва унинг тасаруфидаги мактаблар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида текширишда жами 232 млн. 099 минг 994 сўм миқдордаги пулларни хато сарфланишага олиб келинганлиги аниқлангани, у юқоридаги камчиликларга мактаблардаги махсус комиссия мавжуд бўлиб, ушбу комиссия ходимларга устама пулларни тўлаш бўйича қарор қабул қилишлари, мактаб директори махсус комиссияни директори бўлиб у устама пулларни тўланиши бўйича буйруқ чиқаришини, чиқарилган буйруқлари туман адлия бўлимида ўтказилиб уларни хулосаси олингандан сўнг уни ижросини таъминлаб ходимлари билан ҳисоб-китоблар билан бухгалтерлар томонидан ҳужжатларни белгиланган тартибда хулосалари ва керакли ҳужжатларни кўздан кечиришиб уларни тўғрилигига ойдинлик киритгандан сўнг пулларни тўлаш учун иш ҳақини ҳисоб-китобини қилишларини, шундан сўнг, ишлаган иш ҳаққисини йиғма ҳолатда электрон тарзда "УЗАСБО-2" дастури орқали унга юборилишини ва у уларни тасдиқлаб беришини, дастур орқали унга фақат жадвал кўринишида бўлган ҳолда келиши ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Р.Хасанова суд мажлисида, Избоскан туман прокуратурасининг топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил сентябрдаги "Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсатилган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби" тўғрисидаги 82-сонли Қарорига риоя этилган ҳолда ходимларга директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2023-2024 йиллар давомида устама ва моддий ёрдам пулларини тўғри белгиланганини юзасидан танлов асосида текшириш ишлари ўтказилгани, ҳақиқатдан ҳам Избоскан туманида бўлган ижиноят иши юзасидан талабнома асосида буйруқ билан мутахассис сифатида 2023-2024 йилларда Избоскан туманидаги мактабларда устама ва моддий ёрдам пули берилишига оид текширишда иштирок этгани, таълим тизимида 1995 йилдан буён ишламаган, 30 йиллик таълим тизимида тажрибага эгаллиги, устама ва моддий ёрдам пулларини берилишига оид қонун нормаларини, соҳавий нормативларни яхши билишини, ҳақиқатдан ҳам бирма-бир ҳужжатларни кўриб текшириб устама ва моддий ёрдам пулларини қонунчиликка мос равишда берилган ёки берилмаганлигини текширгани, фақат 38-сонли мактаб томонида 2023-2024 йилларда берилган устама пуллари оид ҳужжатларини кўрмагани, ушбу мактабни бошқа ҳамкасблари кўргани, устама пули ходим ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги "Умумий ўрта таълим



муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби" тўғрисидаги 823-сонли Қарорига асосан бирламчи ҳужжатларига кўра ходимга ишчи гуруҳ баҳолаш мезони орқали ходимга минимал 65 % бал олган ходим 10 %, 71 %дан 75 %гача 15 %, 76дан 80гача 20 % 81дан 85гача 25 %, 86дан 90гача 30%, 91дан 95гача 35 %, 96дан 100% га 40%' устама пуллари номзодни ҳужжатлари қонуний ва етарли бўлса ишчи гуруҳ баённомаси ва директор буйруғи билан берилишини, ходим томонидан устама пули учун берилган ҳужжатлари сохта бўлиши, етарли бўлмаслиги, камчилиги бор бўлса, ходим тақдим қилган ҳужжатлари учун муқаддам балл берилган бўлса, муддатлари тўғри келмаса, баҳолаш мезони нотўғри бўлган ва бошқа ҳолатлар билан устама пули берилган бўлса ноқонуний ҳисобланишини, моддий ёрдам пули ходим ташаббуси билан аризасига асосан ёки касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам календарь йил давомида икки лавозим маоши (ўқитувчининг тариф ставкаси) миқдоригача ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, оғир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда берилишини, ҳақиқатда йил давомида 2 марта 2 лавозим маошида моддий ёрдам берилиши мумкинлиги, низом талабларига кўра, ишчи гуруҳ масъул котиби ҳужжатларнинг юритилиши ва сақланишига маъсул ҳисобланишини, ҳар бир берилган устама ва моддий ёрдам пули учун адлияга юборилишини, юридик марказ томонидан буйруқни қонуний деб хулоса билан тасдиқласа устама ва моддий ёрдам пули берилишини, мактабларда алоҳида ҳисобчилар бириктирилган бўлишини, мактаблар билан ҳисобчилар ҳар ойда камида 3 маротаба (ойлик, аванс, мукофот ва таътил бўйича ишлар) директор ва тегишли ўринбосар билан молиявий ҳисоб ишларига оид ходимлар кесимида ишни ташкил қилишлари, ҳисобчилар ходимбай ҳужжатлари асосида тарификацияга кўра ходимларга иш ҳақи ва устама пуллари билан гаплашиб шахсан ҳужжат кўринишида табелларни олиб ходимлар учун тўловлар берилишини таъминлашини, директорнинг устама ва моддий ёрдам пуллари берилиши ҳақидаги буйруқ адлиядан ижобий ўтса қонуний ҳисобланиши ва ижро этиш учун ҳисобчига юборилишини, мактаб ҳисобчиси орқали мактаб жамоаси иш ҳақи ва бошқа тўловларни марказий ҳисобхона орқали олинишини, ўтказилган текширишда устама ва моддий ёрдам ҳужжатларининг ҳар бирини шахсан текшириб кўргани, унга бу ишларда ҳамкасиби Донёр, Мухаммадкаримлар ёрдам бергани, ишчи гуруҳ томонидан ходимга қабул қилинган устама берилиши ва моддий ёрдам пули берилиши ҳақидаги қарор ва баёни адлия, юридик марказ ходими учун ҳисобчиларга мажбурий эмаслиги, норматив ҳужжат ҳисобланмаслиги, сабаби ишчи гуруҳ қарори ва баёнини юридик марказ ёки ҳисобчи,



тегишли бошқа шахслар ҳам қайтариши, рад қилиши, инкор қилиши, қонуний бўлиши учун тўлдириши ҳам мумкинлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Э.Усаров суд мажлисида, ҳозирда Избоскан тумани 29-сонли умумтаълим мактаби директори лавозимида ишлаб келишини, ҳақиқатдан ҳам 2020 йилдан бошлаб устама пули ва моддий ёрдам пули берилишида ишчи гуруҳ раҳбари бўлгани, Низом талаблари асосида дастлабки аниқланган текширишда 2023-2024-2025 йилларда ўқув йилида 29-нафар ходимларга жами 96 млн 946 минг 437 сўм устама пулларида минимал 65 % бал нотўғри берилганлиги, 32 нафар ходимларга 137 млн 270 минг 440 сўм моддий ёрдам пуллари дастлабки маълумотларга асосан жами 234 млн 216 минг 877 сўм пуллар нотўғри тўланиб юборилганлиги аниқлангани, удиректор сифатида қонун доирасида ишлашини, мажбурият ва вазифалар зиммасига юкалатилганини билишини, Ўз.Респ. ММТВнинг 16.10.2024 йилдаги 334-сонли буйруғига кўра 43-илоvasида мактаб фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, ўқув-тарбиявий ҳамда молиявий хўжалик фаолиятини қонуний ташкил этиш мажбурияти, мактабнинг молиявий фаолиятини самарали ташкил қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни шаклланиши, ундан самарали фойдаланишни амалга ошириш мажбурияти, ходимлар билан боғлиқ молиявий хўжалик натижаларига шахсан жавоб бериш унга юклатилгани, низом талабларига кўра, умумтаълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари — ишчи гуруҳнинг масъул котиби ҳисобланишини, ишчи гуруҳ: Жамғарма маблағларининг тўғри ва самарали сарфланишини режалаштиради ва назорат қилишини, ишчи гуруҳ масъул котиби ҳужжатларнинг юритилиши ва сақланишини таъминлаш кераклигини билиши, ҳар бир берилган устама ва моддий ёрдам пули учун адлия буйруқни қонуний деб тасдиқласа устама ва моддий ёрдам пули берилишини, устама ва моддий ёрдам пули берилишига оид ҳужжатларни шахсан қонуний эканлигини бирма-бир кўриб текшириб олиш учун вақт ва бошқа зарур воситалари борлигини, сабаби ишчи гуруҳ вакиллари билан муҳокама қилиш учун педкенгаш йиғилиши белгиланишини, устама ва моддий ёрдам олиш учун номзоднинг ҳужжатларига асосан берилгани, ишчи гуруҳ йиғилишда иштирок этгани, устама ва моддий ёрдам ҳужжатларининг ҳар бирини шахсан текшириб кўришини, у бу ишларда 2023 йил ва 2024 йилларда ўринбосари котиб М.Турғунов ёрдам бергани, директор ўринбосарида юқоридаги буйруққа кўра моддий жавобгарлик молиявий ишларга раҳбарлиги йўқлиги ва кўрсатилмагани, у ҳар бир ходим учун ҳужжатларини текшириб кўриб, адлияга ва бўлим ҳисобчисига йиғилиш котиби орқали юбортиргани, устама ва моддий ёрдам пулига номзод ходими сўраган вақтда махсус комиссия кўришини, буйруқни бергани, адлиядан ўгса бош ҳисобчи тасдиқласа оласиз деб жавоб беришини,



адлия бўлими ёки бўлим ҳисобчилари устама ва моддий ёрдам пули учун буйруқ чиқарилишида улар бирор-бир кўринишда, бирор бир ходими томонидан ноқонуний таъсир ўтказмагани, улар у ва котиби томонидан тайёрланган ҳужжатларга асосан ҳар бир ходимга моддий ёрдам пулининг ҳужжатларини тасдиқлаб бергани, шу сабабли моддий ёрдам пуллари ходимлар кесимида берилгани, низом талабига мос келмаган, шахсга моддий ёрдам пули берилиши мумкин эмаслиги, устама олиш учун етарли камида 65 бални асосли олган бўлиши шартлиги, буйруқ ва илова ҳужжатларни адлия «бўлими қонуний деб хулоса берса, ҳисобчи буйруқ ва илова ҳужжатларни етарли ва асосли деб ҳисоблаганидан кейин ҳисобчига тақдим қилиниши, уни топшириғига кўра ҳисобчига тақдим қилингани, устама ва моддий ёрдам пуллари шу сабабли тўлаб берилгани, ишчи гуруҳ котибида, мактабга бириктирилган ҳисобчида молиявий фаолият учун жавобгарлик йўқлиги, улар бирор-бир мажбурий буйруқ ёки хулоса чиқармаслиги, директор бўлиб у буйруқ чиқариб, бўлимга юбориб, бош ҳисобчи орқали ходимга устама ва моддий ёрдам пули берилишига сабабчи бўлгани, ходимларга берилган устама ва моддий ёрдам пулларида манфаатдор бўлмагани, ҳар бир ходим ўқитувчи устама ва моддий ёрдам пулини ўзи олгани, бошқа бир шахс сўраганлиги ҳақида эшитмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Мавлонов суд мажлисида, у 1986 йилдан бошлаб юридик соҳада ҳуқуқшунослик билан турли лавозимларда ишлаб келгани, 2021 йилдан эгаллаб турган лавозимида ишлашлигини, хизмат вазифаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатшп фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5168-сонли 29.06.2021 йилдаги Қарори ҳамда бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларга асосан хизмат вазифаларини бажаришини, туман прокуратурасида, муқаддам ўтказилган аудит текширувига оид "ходимларга тўланган моддий ёрдам ва рағбатлантириш маблағлари бўйича хавф риск ҳолатларини" ўрганишда аниқланган камчиликлар юзасидан бюджет маблағларидан моддий ёрдам ва рағбатлантириш ҳолатлари бўйича Избоскаи тумани бўйича вазирликка ҳисоб палатаси тақдим қилган 697 та ҳолатда ходимларга 2023 йилда бюджет маблағларида моддий ёрдам ва рағбатлантириш учун берилган пуллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Халқ таълими вазири жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 823-сонли Қарорларга мувофиқлиги текширилгани, низомнинг 33-бандида, умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам календарь йил давомида икки лавозим маоши (ўқитувчининг тариф ставкаси) миқдоригача ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, оғир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда кўрсатилади деб белгилангани, Избоскан туман ММТБ



тасарруфидаги умумтаълим мактабларида ишловчи ходимларига 2023 йил давомида 697 та ҳолатда жами 2 645 784,5 минг сўм шубхали (Риск) ҳолатлари ўрганилганда, 7 та ҳолат жами 20 341,3 минг сўм моддий ёрдам пуллари ҳисоблаб тўланганлиги ҳақиқатдан аниқланганлиги билан танишгани, бевосита хизмат вазифасига ва юридик марказ алоқадор бўлган таълим тизимида 2023 йил давомида моддий ёрдам ва рағбатлантириш учун берилган пулларни берилишига 5168-сонли қарорда кўрсатилганидек, марказ томонидан, тегишли хулоса тайёрлаш, ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, электрон тизимга бириктириш ҳамда ўзаро ҳужжат алмашиш, электрон тизимдан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан Марказлардан ижобий хулоса олинганидан сўнг такрорланмайдиган махсус рақам бериш ва электрон тарзда қабул қилиш ҳамда ушбу ҳужжатларни автоматик тарзда изчил кетма-кетликда рақамлаш, уларга бириктирилган хизмат кўрсатиш ташкилоти сифатида мактабгача ва мактаб таълим бўлими тўлиқ бириктирилган бўлиб, бириктирилган мактабларнинг номи ва унинг раҳбари ФИШ ва кадрлари бўйича Менежеринг номидан, ҳужжат (лойихаси, буйруқ, шартнома ва бошқа юридик ҳужжатлар) лари марказнинг тегишли масъул ходимидан хулоса олиш учун келишини, хулоса берилиши лозим бўлган ҳужжат келган вақтда тегишли масъул ходимни компьютер дастурида ўзига тегишли парол ва логин орқали кирилганда "е-ҳуқуқшунос" электрон тизимида кўринишини, яъни марказ ходими хулоса чиқарилиши учун зарур ҳужжатни кўришини, унга илова ҳужжатлар кўринишини, келган ҳужжатни қонунийлиги ҳақида айнанлик белгиси билан марказнинг масъул ходими "лойиха амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилгани ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ" деб инсон омилисиз 2 та лотин ёзуви ва 10 та рақамлардан иборат ҳамда санаси кўрсатилгани, QR кодли, 1 саҳифада ва 2-саҳифада бир хил бўлган хулоса берилишини, ушбу, марказнинг масъул ходими инсон омилисиз 2 та лотин ёзуви ва 10 та рақамлардан иборат ҳамда санаси кўрсатилган QR кодли, 1-саҳифада ва 2-саҳифада бир хил бўлган доимий хулосани электрон тизим орқали ҳужжатни айнан юборган шахс (ташкилот, корхона ва бошқалар)га тасдиқлаб қайтаришини, Марказнинг, "лойиха амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилгани ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ" деб инсон омилисиз 2 та лотин ёзуви ва 10 та рақамлардан иборат ҳамда санаси кўрсатилган кодли, 1 саҳифада ва 2-саҳифада бир хил бўлган хулосаси бўлмаса ёки хулоса рад қилиш ҳақида берилган бўлса ушбу ҳужжат юридик кучга эга эмас ҳисобланишини, шунингдек, ҳар бир ҳужжат учун хулоса олинмагани, "лойиха амалдаги қонун ҳужжатларига номувофиқ ишлаб чиқилгани ва уни қабул қилиш мақсадга номувофиқ" деб хулоса берилган бўлса ҳужжат қабул қилинмаслиги, манфаатдор шахс ҳужжатни ўзбошимчалик билан сохталаштирса, ҳужжат учун "лойиха амалдаги



қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилгани ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб хулоса берилмаган ҳолатда ҳам фойдаланса ноқонуний ҳисобланишини ва айбдор шахс тегишли тартибда жавобгарликка тортилишини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Халқ таъдими вазири жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 823-сонли Қарорларига оид Низомнинг 33-бандида, календарь йил давомида икки лавозим маоши - (Ўқитувчининг тариф ставкаси) миқдоригача ходимнинг узи ваяқин ^риндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда оғир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда кўрсатилади деб белгилангани, моддий ёрдам пулини олишда аслида оғир касал бўлмаган, оғир касал бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар етарли бўлмаган, оғир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатли бўлмаган ва камчилиги бўлсада моддий ёрдам пулини олиш учун марказнинг ижобий хулосаси берилмаслиги, талабгорга юқоридаги ҳолатларда ижобий хулоса берилмаслигини, ушбу ҳолатларни марказда автоматик ва инсон омилисиз аниқланган масъул ходимининг вазифаси ва мажбурияти ҳисобланишини, ушбу ҳужжатларни қонунийлигини албатта текширилишини, номувофиқ ва ноқонуний ҳужжатларга қонуний деб хулоса бериш мумкин эмаслиги, ноқонуний ҳужжатларга "лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилгани ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ" деб хулоса беришга ҳеч қандай қонуний асос йўқлигини, аслида оғир касал бўлмаган шахслар учун гўёки моддий ёрдам пулини олиш учун юборилган ҳужжатлар ва унга илова маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими вазири жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 'ги ҳамда 823-сонли Қарорларига оид Низомнинг 16-банди 4-хатбошида "умумтаълим муассасаси педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, ходимларни мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатишнинг тўғри, холис ва адолатли амалга оширилиши учун жавобгарлик ишчи гуруҳ раҳбари зиммасига юклатилади" деб кўрсатилгани, шу сабабли, марказ ходими ва у томонидан хулоса беришда ифодаланган хатти-ҳаракатларини ходимларни мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатишнинг тўғри, холис ва адолатли амалга оширилиши учун жавобгарлик ишчи гуруҳ раҳбари зиммасига юклатилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Исматиллаев суд мажлисида, у 2000 йилдан Давлат молиявий назорат инспекцияси Андижон вилоят бошқармасида ишлаб келишини, у Избоскан туман прокуратурасининг 03.04.2025 йил кунги мутахассис ажратиш тўғрисидаги 15-20 НТ-24-сонли талабномаси ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат молиявий назорати инспекцияси Андижон вилояти бошқармасининг 2025 йил 1 май кунги 60-XS сонли буйруғига асосан уни 15-25-сонли талабномаси ва



талабномадаги ЖКнинг 167, 209-моддаларининг тегишли бандларига асосан қўзғатилган жиноят иши юзасидан бюджет маблағларини қонуний ажратилганлигини ва сарфланганлигини Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги Избоскан туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлимида текширишга жалб қилинган мутахассислар иштирокида ўрганиш ўтказгани, ўтказилган текшириш давомида Избоскан туманидаги 22,29,26,43,5,31,37,36,-сонли мактабларда устма ва моддий ёрдам пуллари ёрдамчи ҳисобчи [REDACTED]нинг ишлаган даври учун ҳисоб-китоб қилинганда жами 232 млн. 099 минг 994 сўм ортиқча маблағлар тўлаб берилганлиги аниқлангани, ушбу келиб чиққан камчиликларга Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги 823-сонли қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-илоvasи билан ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 11.06.2021 йилдаги 02-0213-1699-сонли хати билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган педагог ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари бўйича тақдим этиладиган ҳужжатлар” кўрсатилиб, шу асосда баҳолаш мезонлари белгиланган тартибларга риоя қилмасдан, мезоннинг 2-бандидаги ўқувчисининг фан олимпиадаси ва бошқа кўрик танловда иштирокини тасдиқловчи ҳужжат бўлмасада, 3-бандидаги танлов ва бошқа тадбирларда бошланғич синф ўқувчиларининг иштироки бўйича ҳужжатлар, 4-банди бўйича педагог ходимнинг тажрибаларини оммалаштириш ҳужжатлари, 8-бандидаги синфдан ташқари ишларни бажариш, 9-бандидаги ўқувчилардан сўровномалар олиш ишлари белгиланган тартибда бажарилмаганлиги бунга мактабларда ташкил қилган комиссия аъзосининг хатоси, бундан сўнг туман адлия бўлимининг хатоси мактаблар томонидан берилган буйруқларни текширмасдан хулоса берганлиги, бош ҳисобчи ва ёрдамчи ҳисобчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигининг 2023 йилнинг 20 декабрдаги 565-сон буйруғининг 36-илоvasи билан тасдиқланган лавозим йўриқномасига кўра, давлат бюджет маблағларини мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш, маблағларни мақсадсиз сарфланишини назорат қилиш, молиявий хато ва камчиликларни келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва бюджет интизомига риоя қилиш, молиявий хато ва камчиликларни олдини олиш мақсадида ходимлар билан ҳисоб-китоблар, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ва мақсадли амалга оширишни таъминлаш, каби талабларни бажармасдан, ажратилаётган маблағларни мақсадли талабларига риоя қилмаганлиги оқибатидан келиб чиққани ҳақида кўрсатув берди.



Суд, тарафларнинг фикрини, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш хужжатларини ўрганиб чиқиб, [REDACTED]нинг мазкур жиноятни содир қилганликдаги айби, жиноят ишидаги текшириш маълумотномалари, далолатномалар, квитанциялар, нарсаларни ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши хужжатларига қўшиш ҳақидаги қарор, шунингдек тергов жараёнида тўпланган ва жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар мажмуи билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчи [REDACTED]нинг айбсизлиги ҳақидаги кўрсатувларини, дастлабки терговда тўпланган ва судда қайта текширилган мақбул далиллар мажмуи, жумладан, жиноят ишидаги текшириш маълумотномалари, далолатномалар, квитанциялар, нарсаларни ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши хужжатларига қўшиш ҳақидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда бошқа ашёвий далиллар билан рад қилиб, унинг шу кўрсатувларини жавобгарликдан қутулиш мақсадида атайлабдан ўйлаб топган важлари деб ҳисоблаб, танқидий баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 4-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги; 5-бандида судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги;

16-бандида ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан



холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] ни 01.01.2023 йилдан 43,22,29,26-сонли, 01.08.2024 йилдан 5,31,37,36-сонли мактабларда ҳисобчи лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигининг 2023 йилнинг 20 декабрдаги 565-сон буғруғининг 36-илоvasи билан тасдиқланган лавозим йўриқномасига кўра, давлат бюджет маблағларини мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш, маблағларни мақсадсиз сарфланишини назорат қилиш, молиявий хато ва камчиликларни келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва бюджет интизомига риоя қилиш, молиявий хато ва камчиликларни олдини олиш мақсадида ходимлар билан ҳисобкитоблар, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ва мақсадли амалга оширишни таъминлаш, каби талабларни бажармасдан, ажратилаётган маблағларни мақсадли талабларига риоя қилмасдан, аксинча ҳужжатларга қонуний тус бериш орқали асоссиз ҳисобланган устама ва моддий ёрдам берилишига сабаб бўлувчи тузилган табелларни бош ҳисобчига дастурлар орқали сўровлар билан юбориб, ноқонуний даромад топишни мақсад қилиб, ўз мақсади йўлида Избоскан тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мансабдор шахслари, ўзи молиявий назорат олиб бориши лозим бўлган 43-сонли, 22-сонли, 29-сонли, 26-сонли ва 5-сонли, 31-сонли, 36-сонли, ҳамда 37-сонли мактабларнинг мансабдор шахслари, бўлими мудири ва бош ҳисобчи ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги 823-сонли қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-илоvasи билан ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 11.06.2021 йилдаги 02-0213-1699-сонли хати билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган педагог ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари бўйича тақдим этиладиган ҳужжатлар” кўрсатилиб, шу асосда баҳолаш мезонлари белгиланган тартибларга риоя қилмасдан, мезоннинг 2-бандидаги ўқувчисининг фан олимпиадаси ва бошқа кўрик танловда иштирокини тасдиқловчи ҳужжат бўлмасада, 3-бандидаги танлов ва бошқа тадбирларда бошланғич синф ўқувчиларининг иштироки бўйича ҳужжатлар, 4-банди бўйича педагог ходимнинг тажрибаларини оммалаштириш ҳужжатлари, 8-бандидаги синфдан ташқари ишларни бажариш, 9-бандидаги ўқувчилардан сўровномалар олиш ишлари белгиланган тартибда бажарилмаган бўлсада, жами 122 млн. 382 минг 9 сўм миқдордаги маблағларни олиш учун ҳужжатларини



мавжудлигини кўрсатишиб, бошқа тадбирларни расмларини юклаш орқали ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинганликда;

- бундан ташқари, [REDACTED] Избоскан тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 26-сонли мактаб мансабдор шахслари билан ўзаро жиноий тил бириктиришиб, аслида 06.09.2023 йилда 944-1-22-ХТ/2023-сон билан Мирзаев Муҳаммадризо Дониёрбековични Избоскан тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими эксплуатация экспедитор лавозимига ишга қабул қилинган ва С.Жалоловнинг электрон имзоси билан тасдиқланган буйруқнинг QR-кодидан фойдаланишиб, 14.06.2023 йилдаги 944-1-22-2023-сонли 26-сонли мактаб директори Г.Атахановани электрон имзоси билан тасдиқланган буйруқни расмийлаштиришиб, унда мактабнинг лаборанти Ш.Хамидовага ҳомиладорлик жараёни оғир кечганлиги сабабли ва даволаниши учун икки лавозим маоши миқдорида моддий ёрдам пули ажратиш ҳақидаги сўзларни киритишиб, юқоридаги 06.09.2023 йилдаги буйруқдаги QR-кодини нусха олиш орқали кўчириш йўли билан гўёки ҳужжатга қонуний тус беришиб, 2.394,3 минг сўм бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишганликлари билан боғлиқ айбловлар эълон қилинган бўлса-да, ушбу ҳолатни тасдиқловчи бирон-бир ишончли далиллар олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Судда аниқланган ва иш ҳужжатларига кўра, судланувчи [REDACTED] бевосита устама тайинланишида иштирок этмаслигини, устамалар учун мактабнинг 5 ва 7 кишидан иборат ишчи гуруҳи мавжуд бўлишини, уларнинг ўзлари ҳужжат тайёрлашларини, Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги 823-сонли қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандида ҳеч кимни ишчи гуруҳининг қарорларига аралаштиришга йўл қўйилмаслиги кўрсатиб қўйилгани, устама тайинлаш бўйича ишчи гуруҳининг қарорлари ҳар йили ёз ойларида туман молия бўлими билан биргаликда келишилган



ҳолда туман халқ таълими бўлимларига тақдим этилишини, шунга кўра устама пуллари тўланиб келиниши маълум бўлди.

Бундан ташқари, 26-сонли мактабнинг лаборанти Ш.Хамидовага моддий ёрдам пулларини тайинлаш билан боғлиқ иш ҳужжатларини электрон ҳолатида мазкур мактабнинг ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари ўзига бириктирилган компьютер воситаси орқали ўзининг логин пароли, электрон имзоси орқали туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига юбориши маълум бўлди.

Юқоридагиларга кўра, суд судланувчи [REDACTED]нинг юқоридаги қилмишларида жиноят таркиби бўлмагани сабабли, уларни ушбу айблов эпизодлари билан оқлашни, ишни шу қисмларини эса Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатишни лозим топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED]нинг қилмиш жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг "а" банди билан нотўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг "а" банди диспозициясида айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан жуда кўп миқдорда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлимида, жуда кўп миқдор - базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан ортиқ миқдор экани белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 2 июндаги 91-сонли фармонида кўра, 2025 йил 1 августдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори 412.000 сўм этиб белгиланиб, жуда кўп миқдор (412.000x500=) 206.000.000 сўмни ташкил қилади.

Судланувчи [REDACTED] растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилинган 109.714.700 сўм ҳозирги кунда жуда кўп миқдорни ташкил этмайди.

Шу сабабли суд, судланган [REDACTED]нинг бир гуруҳ шахслар билан, такроран, мансаб мақеини суистеъмол қилиш йўли билан 109.714.700 сўм бюджет маблағларини растрата қилишганлиги билан ифодаланган қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг "а" бандидан, ЖК 167-моддаси 2-қисмининг "б,в,г" бандларига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED]нинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддаси 2-қисмининг "а" банди билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган



ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] ни қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, аёл кишилигини, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, аёл киши бўлиб, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида ЖКнинг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65,66,70,71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларини амалиётда тадбиқ этиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни;

шунингдек, тергов органининг “ҳужжатларни ёзма далил, нарса ва предметларни ашёвий далил деб эътироф этиш ҳамда жиноят ишига қўшиш тўғрисида”ги қарорига асосан, жиноят ишига қўшилган ёзма далилларни жиноят ишида сақлаш учун қолдиришни;

шунингдек, жиноят натижасида етказилган зарарларни ўрнини қоплаш учун Андижон вилоят прокуратураси “Ипотека банк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 228.352.322 сўм пул маблағларини ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаментининг Андижон вилоят бошқармасининг “ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб



рақамига топширилган 7.140.000 сўм пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига йўналтиришни;
шунингдек, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини эътиборга олиб муҳокамадан чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

_____) Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

_____ га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Тергов органининг “ҳужжатларни ёзма далил, нарса ва предметларни ашёвий далил деб эътироф этиш ҳамда жиноят ишига қўшиш тўғрисида”ги қарорига асосан, жиноят ишига қўшилган ёзма далиллар жиноят ишида сақлаш учун қолдирилсин.

Жиноят натижасида етказилган зарарларни ўрнини қоплаш учун Андижон вилоят прокуратураси “Ипотека банк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 228.352.322 сўм пул маблағлари ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаментининг Андижон вилоят бошқармасининг “ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 7.140.000 сўм пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига йўналтирилсин.

Фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлиги эътиборга олиниб муҳокамадан чиқарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланган ва фуқаровий даъвогар эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида, бу муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

А.Назирбеков

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
Туман судининг раиси**

А.Назирбеков

